

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ДОИР МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАЙТА
КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚИШ ТЎҒРИСИДА**

Ишлаб чиқаришда меҳнатнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш учун «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига ҳамда бозор қайта ўзгартиришлари шарт-шароитларига жавоб берадиган меъёрий базани яратиш, шу асосда мулкчиликнинг барча шакллари ва ишлаб чиқариш усулларидаги корхоналарда ишловчи ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Олдинги таҳрирга қаранг.

(1-банднинг иккинчи хатбоиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 июлдаги 153-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда)

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш Тартиби **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Олдинги таҳрирга қаранг.

2. Белгилаб қўйилсинки, меҳнатни муҳофаза қилишга доир белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва келишиб олинган қоида ва нормалар тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ёки Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасига назоратдаги объектлар бўйича тасдиқлаш учун киритилади, қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган қоида ва нормалар бундан мустасно.

(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

3. Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификатлаш маркази, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой муддатда ушбу Дастурга кирмаган стандартларни, хавфсизлик техникаси қоидаларини, санитария норма ва қоидаларини таҳлил қилсинлар, мулкчилик шаклларида ва ишлаб чиқариш усулларида қатъи назар, корхоналарда келгусида қўлланиш учун қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлашнинг аниқ режаларини тузсинлар.

4. Вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ҳамда ушбу Дастурга мувофиқ масъул ижрочилар сифатида жалб этилган бошқа ташкилотлар норма ва қоидаларнинг қайта кўриб чиқилишини ҳамда ушбу ишлар учун зарур маблағларнинг белгиланган муддатларда ажратилишини таъминласинлар.

Олдинги таҳрирга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Дастурнинг бюджет ҳисобидан маблағ таъминланадиган масъул ижрочилари томонидан бажариладиган меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш бўйича ишларни Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлаш жамғармасининг республикага тегишли қисми маблағларидан молиялаштиришга рухсат берилсин.

(4-банднинг иккинчи хатбоиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 сентябрдаги 703-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2017 й., 37-сон, 990-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

5. «Меҳнат» нашриёти, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тавсиясига кўра, меҳнатни муҳофаза қилишга доир ишлаб чиқилган норма ва қоидаларни, бошқа нормативлар ва қўлланмаларни вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ ўз вақтида нашр этишни таъминласин.

(5-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 сентябрдаги 703-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2017 й., 37-сон, 990-модда)

6. Вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, шунингдек мулкчилик шаклларида ва ишлаб чиқариш усулларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар барча ходимларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича янги қабул қилинган нормативларни ўргатсинлар ва иш жараёнида уларга қатъий риоя этилишини таъминласинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.С. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2000 йил 12 июль,
267-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарорига
2-ИЛОВА

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш ТАРТИБИ

Олдинги таҳрирга қаранг.

(муқаддима Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 июлдаги 153-сонли қарорига мувофиқ чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Олдинги таҳрирга қаранг.

1. Мазкур Тартиб «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш, шунингдек қайта кўриб чиқишнинг ягона тизимини белгилайди.

Мазкур Тартиб давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини (кейинги ўринларда Қоидалар деб аталади) ишлаб чиқувчи ва уларни қайта кўриб чиқувчи бошқа ташкилотлар фаолиятига татбиқ этилади.

(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 июлдаги 153-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

2. Қоидаларнинг ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилиши ёки қайта кўриб чиқилиши, уларнинг келишилиши, тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар масъул ҳисобланади.

(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 июлдаги 153-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

3. Қоидалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, стандартлар, қурилиш, санитария нормалари ва қоидалари, гигиена нормативлари талаблари, эргономик талаблар ва бошқа норматив ҳужжатлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилиши керак.

(3-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

4. Қоидаларни тасдиқлаган вазирликлар, идоралар уларнинг давлат стандартлари, курилиш, санитария нормалари ва қоидалари, гигиена нормативлари талабларига мувофиқлигини мунтазам текширишлари ҳамда зарурият бўлганда тегишли ўзгартиришлар киритишлари керак.

(4-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 июлдаги 153-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда)

5. Қоидалар уларнинг амал қилиш муддати тамом бўлгунга қадар қайта кўриб чиқиши мумкин. Қоидаларни қайта кўриб чиқишга:

қонун ҳужжатлари, давлат стандартлари ҳамда давлат органлари томонидан тасдиқланган бошқа норматив ҳужжатларнинг ўзгариши;

янги техника ва технология жорий этилиши асос бўлиб ҳисобланади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

6. Вазирликлар ва идоралар белгиланган тартибда қабул қилинган Қоидаларни барча манфаатдор шахсларга етказди.

(6-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 июлдаги 153-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда)

II. МЕХНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОИДАЛАР МАЗМУНИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

7. Қоидалар қуйидаги асосий бўлимларни ўз ичига олиши керак:

умумий қисм;

хавфсизликка қўйиладиган умумий талаблар;

ишлаб чиқариш (технология) жараёнларига қўйиладиган талаблар;

ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарига қўйиладиган талаблар;

тузатиш ишларини бажариш чоғида қўйиладиган хавфсизлик талаблари;

меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари бузилганлиги учун ходимларнинг жавобгарлиги.

8. Ноишлаб чиқариш тармоқлари (савдо, маданият ташкилотлари, давлат муассасалари) шунингдек, электр қурилмаларига хизмат кўрсатиш, улардан фойдаланиш, уларни тузатиш, монтаж қилиш, ўрнатиш ва қуриш билан боғлиқ жараёнлар, телерадио корхоналари ва алоқа корхоналари, транспортда ташиш, сақлаш, ташиш жараёнлари ва бошқа жараёнлар учун Қоидалар мазмунига тармоқларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб бўлимлар қўшилиши мумкин.

III. МЕХНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ БЎЛИМЛАРИ МАЗМУНИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

9. «Умумий қисм» бўлимида Қоидалар қўлланилиши ва татбиқ этилиши, уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш тўғрисидаги маълумотлар баён қилиниши керак.

10. «Хавфсизликка қўйиладиган умумий талаблар» бўлимида:

Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил қилиш;

ходимларни ўқитишни, уларнинг билимларини текширишни ва уларга йўриқнома беришни ташкил этиш;

йўл қўйиладиган санитария нормалари даражалари, концентрациялар ва бошқа параметрлар кўрсатилган ҳолда аниқ бир ишлаб чиқариш учун хос бўлган хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари рўйхати;

уларга нисбатан меҳнат хавфсизлигининг қўшимча талаблари қўйиладиган юқори хавф-хатарли касблар ва ишлар рўйхати;

жамоавий ва якка тартибдаги ҳимоя воситаларини қўллаш зарурлиги;

касб-кор танлови ўтказилиши зарурлиги;

ходимларни ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишга қўйиш шарт-шароитларига қўйиладиган талаблар;

ходимларнинг саломатлигини назорат қилишнинг даврийлигига қўйиладиган талаблар;

Қоидалар татбиқ этиладиган ишлаб чиқариш жараёнларига хос бўлган ёритиш, ҳарорат режими, намлик ва бошқа омиллар бўйича санитария қоидалари ва гигиена нормативлари талаблари;

корхоналарнинг ишлаб чиқариш биноларига қўйиладиган талаблар;

шамоллатиш, иситиш, ҳавони совутиш, сув қувури, канализация, энергия билан жиҳозлаш ва ёритишга қўйиладиган талабларни ўз ичига оладиган бинолар, иншоотлар, иморатлар, ишчи ўринларига муҳандислик жиҳатидан жиҳозлашга қўйиладиган талаблар;

маиший иморатларга, уларнинг сонига, ҳолатига ва жойлашишига қўйиладиган талаблар;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича талаблар;

меҳнати хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсири ва бошқалар билан боғлиқ бўлган ходимлар учун меҳнат режими, дам олиш ва овқатланиш учун танаффусларга, сменанинг давом этиши чекланишига қўйиладиган талаблар назарда тутилиши керак.

11. «Ишлаб чиқариш (технология) жараёнларига қўйиладиган талаблар» бўлимида; технология ҳужжатларида ҳисобга олиниши керак бўлган хавфсизлик талаблари; ишлаб чиқариш жараёнларига қўйиладиган ёнғин ва портлаш хавфсизлиги талаблари; ходимларнинг ҳимоя қилинишини ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарининг авария пайтида узиб қўйилишини таъминлайдиган технологик жараёнларни назорат қилиш ва бошқариш тизими;

айрим технология операцияларида хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари пайдо бўлганлиги тўғрисида ўз вақтида маълум қилиш усуллари;

хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари мавжуд бўлган ёки камроқ интенсивликка эга бўлган хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари, жараёнлар ва операциялар пайдо бўлиши билан боғлиқ технология жараёнлари ва операцияларини алмаштириш тадбирлари;

технология жараёни бузилган тақдирда ходимларнинг хавфсизлигини таъминлашга қўйиладиган талаблар;

бирламчи материалларга, ярим маҳсулотга ва ярим тайёр маҳсулотларга қўйиладиган талаблар;

бирламчи материаллар, ярим маҳсулот, чала тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулот ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини сақлаш ва транспортда ташишга қўйиладиган талаблар;

хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари манбаи ҳисобланган ишлаб чиқариш чиқиндиларини ўз вақтида чиқариб ташлаш ва зарарсизлантиришга қўйиладиган талаблар;

ходимларнинг бирламчи материаллар, ярим маҳсулот, чала тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулот ва ходимларга зарарли таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқариш чиқиндилари билан бевосита алоқада бўлишини истисно этувчи чора-тадбирлар;

ходимларни хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича талаблар белгиланади.

12. «Ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарига қўйиладиган талаблар» бўлимида куйидагилар баён этилиши керак:

муайян технология жараёнида фойдаланиладиган аниқ ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари хавфсизлигига қўйиладиган талаблар. Ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарига қўйиладиган талаблар давлат стандартига мувофиқ бўлиши керак. Хавфсизликнинг аниқ талаблари амалдаги стандартларга мувофиқ асбоб-ускуналарнинг алоҳида гуруҳлари ва турларига белгиланади;

ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини, коммуникацияларни жойлаштиришда хавфсизлик шартлари. Ҳар бир асбоб-ускуна, асбоб-ускуналар билан ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлар деворлари ўртасидаги масофа технология лойиҳалаштирилиши нормаларига, қурилиш нормалари ва қоидаларига мувофиқ белгиланади;

муайян технология жараёнига татбиқан иш жойларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари;

зарарли омиллар таъсири даражасининг амалдаги санитария нормалари билан белгиланган миқдоргача пасайишини таъминловчи усуллар ва чора-тадбирлар;

ходимларни хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари, қўшимча равишда қўлланиладиган технология таъсиридан ҳимоя қилиш усуллари ва меҳнат шароитлари.

13. «Тузатиш ишларини бажариш чоғида қўйиладиган хавфсизлик талаблари» бўлимида қуйидагилар баён этилиши керак:

тузатиш ишларини олиб бориш шартлари ва тартиби; участка, цех, корхона раҳбарияти билан келишиш тартиби;

участка, цех, корхона раҳбарияти билан келишиш тартиби;

тузатишни амалга ошириш муддатлари, тузатиш ишларини олиб бориш учун масъул шахсни тайинлаш;

тузатиш ишларини бажарувчи шахсларнинг малакасига қўйиладиган талаблар;

тузатиладиган участкани ажратиш (тўсиб қўйиш) зарурлиги ва тузатишдан олдинги махсус ишларни бажариш;

тузатиш ишлари хавфсиз олиб борилишини таъминлайдиган махсус талаблар, шу жумладан электр энергиясини тўхтатиб қўйиш ва бериш, ишловчининг ёнида асбоб-ускуна бўлганда очиқ майдонларда ва бинода, зинапояларда ва кўтариш механизмларида ишлаш шартлари, ҳимоя воситалари билан таъминлаш ва бошқалар;

асбоб-ускуналар ва мосламаларни тузатишга топшириш ва уларни фойдаланишга қабул қилиб олиш тартиби.

Олдинги таҳрирга қаранг.

14. «Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари бузилганлиги учун ходимларнинг жавобгарлиги» бўлимида Қоидалар талабларига риоя қилинмаганлиги учун мансабдор шахслар ва ходимларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган жавобгарлиги белгиланиши керак.

(14-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

IV. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

15. Қоидалар талабларини баён қилиш ҳар хил талқин қилиш имкониятини истисно қилувчи лўнда ва аниқ бўлиши керак. Мажбурий талабларни баён қилишда Қоидаларда «керак», «лозим», «зарур» ва улардан ҳосил бўлувчи сўзлар қўлланилади.

16. Қоидаларни баён қилишда:

белгиланган тартибда қабул қилинган атамалар ва таърифлар;

СИ тизимида ифодаланган физик миқдорлар қўлланилиши керак.

Олдинги таҳрирга қаранг.

17. Ҳажми ва мазмунига боғлиқ равишда Қоидалар қуйидаги пасайиб боровчи таркибий бирликларга бўлинади: бўлимлар, боблар, параграфлар, бандлар, кичик бандлар ва хатбошилар. Хатбошиларни бошқа таркибий бирликларга бўлишга йўл қўйилмайди.

Бўлимлар ва боблар рим рақамлари билан белгиланади ва уларда сарлавҳа бўлади. Параграфлар «§» белгиси билан белгиланади, уларга араб рақамлари билан тартиб рақами қўйилади ва уларда сарлавҳа бўлади.

(17-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 июлдаги 153-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда)

18. Қоидаларнинг ҳар бир бандида битта тугалланган норматив кўрсатма бўлиши керак.

19. Жадваллар, графиклар, хариталар, схемалар, ҳужжатлар ва бланкаларнинг намуналари, қоидага кўра, иловаларда жойлаштирилиши, матнда эса тегишли ҳаволалар кўрсатилиши керак.

Олдинги тахрирга қаранг.

(20-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 июлдаги 153-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда)

V. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕХНАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИНИ КЕЛИШИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

21. Ишлаб чиқилган Қоидалар тушунтириш хати билан биргаликда келишиш ва тасдиқлаш учун юборилади, унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

Қоидалар биринчи марта ишлаб чиқилганлиги ёки амалдаги Қоидалар қайта ишланганлиги;

Қоидаларни ишлаб чиқиш ёки қайта ишлаш учун асослар;

ўзгартириш ва қўшимчалар улар асосида киритилган ҳужжатлар ва материаллар рўйхати;

ишлаб чиқишда қатнашган ташкилот (биринчи бўлиб ишлаб чиқувчи ташкилот ёзилади).

22. Тайёрланган қоидалар ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан:

ҳамижрочи ташкилотлар;

Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;

санитария-гигиена талабларига тегишли қисми бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Олдинги тахрирга қаранг.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига тегишли қисми бўйича Қурилиш вазирлиги;

(22-банднинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 июндаги 498-сонли қарори тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.06.2019 й., 09/19/498/3310-сон)

Олдинги тахрирга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси;

(22-банднинг олтинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 мартдаги 195-сонли қарори тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.03.2019 й., 09/19/195/2712-сон)

ёнғин хавфсизлиги талабларига тегишли қисми бўйича Ички ишлар вазирлиги;

зарурият бўлганда бошқа органлар билан келишилади.

Олдинги тахрирга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Қоидалар, шунингдек Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳам келишилиши керак.

(22-банднинг тўққизинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 мартдаги 195-сонли қарори тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.03.2019 й., 09/19/195/2712-сон)

Олдинги тахрирга қаранг.

23. Белгиланган тартибда келишилган Қоидалар масъул ижрочилар томонидан тегишлилиги бўйича тасдиқлаш учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлигига юборилади.

(23-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 июндаги 498-сонли қарори тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.06.2019 й., 09/19/498/3310-сон)

Олдинги тахрирга қаранг.

24. Вазирликлар ва идоралар тасдиқланган Қоидаларни ҳукуқий экспертизадан ўтказиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборадилар.

(24-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 июлдаги 153-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

(1-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 июлдаги 153-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

(2-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 июлдаги 153-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда)